

Фуқаролик ишларини судда кўришда процессуал муддатлар, уларга риоя қилмаслик оқибатлари



Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир (ФПК 4-моддаси).

Юқоридаги вазифани амалга оширилишида фуқаролик процессуал муддатларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Бу вазифанинг бажарилиши фуқаролик судларида одил судловликни таъминланишида, фуқароларнинг қонунларга тўла риоя этишида жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Юридик адабиётларда процессуал муддат тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Масалан, С.А.Алехинанинг фикрига кўра, процессуал муддатлар – бу вақтнинг оралиғи бўлиб, унинг давомида муайян процессуал ҳаракатлар бажарилиши лозим бўлган муддат тушунилади¹.

Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича, процессуал муддат – бу фуқаролик ишларни судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларга айтилади.²

Бизнинг фикримизга кўра ҳуқуқшунос олимлар фуқаролик процессуал муддатларни изоҳлашда унинг у ёки бу белгиларига кўпроқ эътибор беришган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, процессуал муддат – бу фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан белгиланган муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун белгиланган вақт оралиғи ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим С.А.Алехинанинг фикрича, “муддатлар, судга қонунда белгиланган ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқ ва мажбуриятини юклайди. Процессуал адабиётларда улар “хизмат муддатлари” деб номланади”³.

Буни изоҳлаш мақсадида у фуқаролик процессуал кодексида кўрсатилган турли хил муддатларни нафақат вақт оралиғини балки муайян вазифаларни юклашини кўрсатиб ўтган. Масалан, “ишни тайёрлаш ва муҳокама қилиш, суд топшириғини бажариш, суд буйруғини топшириш, даъво аризасини иш юритувиغا қабул қилиш ва бошқалар.

Юридик адабиётларда процессуал муддатларни икки турга ажратилиши кенг тарқалган. Масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шораҳметов процессуал муддатларни қонун билан белгиланган ва суд томонидан тайинланадиган муддатга ажратади.⁴

* ТДЮИ “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

¹ Гражданское процессуальное право. // Под ред. М.С. Шакарян. М., ТК Вебли, Проспект, 2004.

² Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т., Адолат. -120 б.

³ Гражданское процессуальное право. // Под ред. М.С. Шакарян. М., ТК Вебли, Проспект, 2004.

⁴ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т., Адолат. -120 б.

Шунингдек ҳуқуқшунос олим Л.А.Кривоносова ҳам процессуал муддатларни қуйидаги икки турга ажратади:

- қонун билан белгиланган ва қатъий белгиланган суд ҳамда иштирокчилар учун мажбурий характерга эга муддатлар;

- иккинчиси процесс иштирокчилари учун суд томонидан белгиланган ҳамда суд томонидан ўзгартирилиши, узайтирилиши мумкин бўлган муддатлар. Ушбу муддатлар қонунда тўғридан тўғри кўрсатиб ўтилмайди, аксинча судья томонидан белгиланади.⁵

Ҳуқуқшунос олим Н.И.Масленникова процесс иштирокчилари доирасига кўра процессуал муддатларни учта турга ажратади.

1) Суд томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларни белгиловчи муддатлар.

2) Процесс иштирокчиларини ҳаракатларини тартибга солувчи муддатлар.

3) Суд қарорлари ижроси билан боғлиқ ҳаракатларни тартибга солувчи муддатлар.⁶

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, фикримизча фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, процессуал муддатларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- *норматив*, яъни қонун билан қатъий белгиланган процессуал муддатлар (масалан, суднинг қарори ва ажрими устидан шикоят бериш муддати; суд мажлиси баённомасига нисбатан эътироз бериш муддати ва бошқалар);

- *суд томонидан*, яъни суд (судья) томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар (масалан, иш кўришни кейинга қолдириш, аризани ҳаракатсиз қолдириш ва бошқалар). Бу муддатларни судья ўзининг ички ишончидан, ишнинг объектив ва субъектив ҳолатларидан келиб чиқиб тайинлайди

Шунингдек, процессуал муддатларни фуқаролик процесси босқичлардан келиб чиқиб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) фуқаролик ишини қўзғатиш босқичидаги муддатлар;

2) ишни судда кўриш учун тайёрлаш босқичидаги муддатлар;

3) ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилиш босқичидаги муддатлар;

4) суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари юзасидан шикоятлар бериш ҳамда протестлар келтириш босқичидаги муддатлар;

5) суднинг ҳал қилув қарорлари ижроси босқичидаги муддатлар.

Бундан келиб чиқадики, юқоридаги кўрсатилган 4-та босқич асосан суд органлари томонидан амалга оширилса, охириги бешинчи босқич суд ҳамда бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш департаменти томонидан амалга оширилади. Процессуал муддатларни фуқаролик процесси босқичларига қараб турларга ажратилиши, суд ва ишда иштирок этувчи шахслар учун қулайлик яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, фуқаролик ишларни суда

⁵ Гражданское процесс. Учебник. "Прспект" Москва. 2001 г 183-185

⁶ В.В.Ярков Гражданский процесс. Учебник. Москва. Издательство БЕК. 1999. 115-116 с

кўриш муддатларини икки турга, яъни умумий ва махсус муддатга ажратиш мумкин. Фуқаролик ишларини суд томонидан кўрилишининг умумий муддати 1 ой бўлиб, махсус муддат бу - ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қонунчиликда унинг кўрилишини умумий муддатга нисбатан қисқартирилган ёки узайтирилган шаклда бўлади.

Бундан келиб чиқадики махсус муддатларнинг ўзи:

- 1) қисқартирилган махсус муддатлар;
- 2) узайтирилган махсус муддатларга бўлинади.

Қисқартирилган муддатга, мисол тариқасида алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Агар тарафлар бошқа туман (шаҳар)да жойлашаган бўлса, узайтирилган муддатда, яъни 20 кундан кечиктирмай кўрилиши лозим (ФПКнинг 131-моддаси).

Ҳозирда судлар томонидан одил судловни амалга оширишда процессуал муддатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми томонидан бир қатор, хусусан “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги 18-сонли қарори, “Суд ҳал қилув қарорлари ҳақидаги”ги 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли қарори, “Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2001 йил 1 июндаги 4-сонли қарори, “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сонли қарорлари қабул қилинган⁷.

Юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларида фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этишлик одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган. Бироқ, суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда судлар томонидан процессуал муддатларга риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибди. Масалан, Даъвогар Г.Авезова жавобгар Қорақалпоғистон Давлат университетига нисбатан «Давлат тиллари» кафедраси ассистенти лавозимига ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг 2002 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан Г.Авезованинг даъвоси қаноатлантирилиб, Г.Авезова Қорақалпоғистон Давлат университети «Давлат тиллари» кафедрасининг ассистенти лавозимига ишга тикланган,

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006 йил. 1-2 жилдлар. – Тошкент, Адолат. 2006.

2002 йил 6 февралдан 2002 йил 7 июнь кунига қадар мажбурий прогул учун иш ҳақи ундирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 26 мартдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Г.Авезованинг даъвосини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2004 йил 27 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг 2002 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Г.Авезова Қорақалпоғистон Давлат университети ректорининг 2001 йил 1 декабрдаги 160 н/2-сонли буйруғи билан шу университет журналистика факультетининг асистенти лавозимига ишга қабул қилиниб, 2001 йил 5 апрель куни 65 н/2-сонли буйруқ билан «Давлат тиллари» кафедрасининг асистенти лавозимига ўтказилган.

Қорақалпоғистон Давлат университети ректорининг 2002 йил 6 февралдаги 27 н/2-сонли буйруғига асосан, Г.Авезова билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ бекор қилинган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш бўйича Г.Авезованинг даъвосини рад этишда, у томонидан МКнинг 270-моддасида кўрсатилган судга меҳнат низоси бўйича мурожаат қилиш муддатлари бузилганлигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 151-моддасининг 2-қисми талабига мувофиқ, қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Фуқаролик кодекси 152-162-моддаларининг қоидалари махсус даъво муддатларига жорий қилинади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 153-моддасининг 2-қисми мазмунига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши туфайли даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборганлиги масаласи суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафларнинг бирортаси суд қарор чиқаргунигача даъво муддати бўйича ариза билан мурожаат қилмаган. Бундай талаб тарафлар томонидан ишни апелляцияда кўришда тушмаган. Апелляция инстанцияси суди Г.Авезова томонидан судга мурожаат қилиш муддатлари бузилганлигига асосланиб, унинг даъвосини рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича барча ҳолатлар аниқланиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 26 мартдаги ажримини бекор қилиб, Қорақалпоғистон

Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг 2002 йил 7 июндаги қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида» тўғри хулосага келган⁸.

Шунингдек, ҳозирги кунда судларда кўрилатган фуқаролик ишлари сонини йилдан-йилга ошиб бориши ўз навбатида процессуал муддатларга таъсир ўтказмоқда. Албатта, ушбу ҳолат судда иш кўриш муддатларини бузилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судлари томонидан 2003 йили 88018 та фуқаролик ишлари кўриб чиқилган бўлса, 2004 йили 214274 та иш кўриб чиқилган. Шунингдек, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судларига 2004 йил 214274 та фуқаролик иши келиб тушган бўлса, ҳар бир судьяга ўртача ойлик иш ҳажми 91 тани ташкил этган⁹ бўлса, 2005 йил Республика фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан жами 446.418 та иш тамомланган бўлиб, бу 2004 йилга нисбатан 119.193 тага ёки 36.4 фоизга кўпдир. Статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра 2005 йилда Республика бўйича 2004 йил давомида туманлараро судлар судьяларининг бир ойлик иш ҳажми 196 тани ташкил этган бўлса, 2005 йил бу кўрсаткич 320 тани ташкил этган¹⁰. Бу эса судьяларга ишларни тез ҳал қилишга, шошма-шошарликка, ишларнинг сифатсиз кўрилишига, қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилмасдан, процессуал муддатларнинг бузилишига олиб келмоқда. Бу тўғрисида ҳуқуқшунос олим Д.Ю.Хабибуллаев тўғри таъкидлаганидек, ҳозирда туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида йилдан-йилга иш ҳажми ортиб бориши, айрим вилоятлардаги туманлараро (шаҳар) фуқаролик ишлари бўйича судларга бириктирилган туманлар ўртасидаги масофанинг узоклиги фуқароларнинг судларга келиб-кетишига жисмоний ва моддий жиҳатдан қийинчилик туғдирмоқда. Чунки судларда фуқаролик ишлари қонунда белгиланган муддатларда кўриб ҳал қилинади. Бу эса фуқароларнинг судга бир неча маротаба келиши учун муаммоларни юзага келтирмоқда¹¹.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда шуни айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳам асосий мақсади фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қисқа муддатларда суд орқали тикланишдан иборат экан, фикримизча, ушбу муаммоларни бартараф этиш ва фуқаролик ишларини судда ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида ҳар бир туманларда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш ва судьялар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Процессуал муддатларни ҳисоблашда қонун чиқарувчи қуйидаги воситалардан: муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисоблашдан фойдаланади (ФПКнинг 127-моддаси).

Россиялик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, фуқаролик процессида қуйидаги муддатларни аниқлаш усуллари мавжуд:

⁸Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2004. -№4. -20 б.

⁹Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Статистика бўлимининг 2004 йил маълумотидан.

¹⁰Суд амалиёти: натижа ва таҳлил. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 2006. -№1. -62 б.

¹¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари: Юрид.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент, ТДЮИ, 2007. -55б.

1) аниқ календар санаси билан (масалан, тарафларни суд муҳокамасига келиш санаси);

2) содир бўладиган ҳаракат билан (масалан, ФПКсининг 217-моддасида кўрсатилган ҳолатлар. Бундай ҳолларда процессуал ҳаракатлар аниқ белгиланган вақтда амалга оширилиши керак;

3) вақт оралиғи (йиллар, ойлар, кунлар). Бунда ҳаракат муддатнинг исталган кунда бажарилиши мумкин, лекин охири кундан кечикмасдан¹².

Процессуал муддатлар ФПКнинг 127-моддасига биноан асосан муддатнинг ўтиши календарь сананинг ёки муддатнинг бошланиши деб белгиланган воқеа юз берган куннинг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охири йилининг тегишли оyi ва кунда тамом бўлади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат тегишли ойда ва муддат охири ойининг тегишли кунда тамом бўлади.

Процессуал муддат узилишларсиз ҳаракатланади ва ўзининг ичига ҳам ишчи ҳам дам олиш кунларини олади. Истесно сифатида, агар муддатнинг охири кун дами олиш кунига тўғри келиб қолса, ФПКнинг 127-моддаси 4-қисмига биноан, муддатнинг тугаш санаси дам олиш кундан кейинги келадиган ишчи кунига тўғри келади..

Процессуал ҳаракат, муайян муддат билан чегараланган, охири муддатнинг соат 24.00 гача амалга оширилиши мумкин. Бунда почтага шикоят, ҳужжат, ёки пул суммасини топширишда ҳам шу вақтгача топширилиш лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳужжат муддат тугаганидан кейин почта хизмати томонидан олиб келинса-да, ўтиб кетган ҳисобланмайди.

Бироқ шунини айтиб ўтиш керакки, агар процессуал ҳаракат бевосита судда ёки бошқа ташкилотда содир этилиши лозим бўлса, у иш кунинг тугагунча ёки тегишли операцияни амалга оширилгунча қадар амалга оширилиши керак.

Процессуал ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи қонунда белгиланган ёки суд тайинлаган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади. Процессуал муддатлар ўтгандан сўнг берилган аризалар, шикоятлар судда кўрилмайди.

Яъни, агар шахс тегишли ҳаракатларни ўз вақтида бажармаса, уларни бажариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

ФПКнинг 129-моддасига биноан иш юритиш тўхтатиб турилганида тугамаган ҳамма процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатиб турилади. Шу ўринда савол туғилади. Ушбу ҳолатда суд процессуал муддатларнинг тўхтатилиши вақтини иш юритишни тўхтатишга асос вужудга келганда-ми ёки суд томонидан иш юритишни тўхтатиш ҳақидаги ажрим чиқарилган кундан ҳисоблайдими?

Бу борада ҳуқуқшунос олим С.А. Алехина процессуал муддат иш юритувини тўхтатишга асос вужудга келган пайдан бошлаб тўхтайдиган (фуқаронинг ўлими, юридик шаснинг қайта ташкил этилиши, харбий хизматга

¹² Гражданское процессуальное право. // Под ред. М.С. Шакарян. М., ТК Вебли, Проспект, 2004.

чақирилиш кунидан ва бошқа ҳоллатлардан), суд томонидан иш юритувини тўхтатилганлиги ҳақидаги ажрим чиқарилган кундан эмас деб таъкидлайди¹³.

Фикримизча ушбу фикрга тўлиқ қўшилса бўлади. Чунки, иш юритишни тўхтатишга асос вужудга келгандан бошлаб, суд томонидан у ҳақида ажрим чиқарилгунга қадар анча вақт ўтади. Шу боисдан, қонун чиқарувчи муддатларнинг тўхтатиб турилиши иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар келиб чиққан вақтдан бошланишини назарда тутаяди.

Процессуал муддатларнинг узайтирилиши процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилишига кўпроқ вақтнинг белгиланишидир (ФПКнинг 130-моддаси). Суд муддатларни, ўтиб кетгани ҳам, ўтиб кетмагани ҳам манфаатдор шахснинг илтимосига кўра суд (судья) томонидан белгиланган муддатда процессуал ҳаракатларни амалга ошира олмаслиги билан узайтирилади.

Муддатнинг тикланиши ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлсалар, мазкур муддат тикланиши (ФПКнинг 130-моддаси) қонунда назарда тутилган.

Россия қонунчилигига биноан фуқаролик ишини тиклаш учун унга бир қанча талаблар қўйилган(РФ ФПКнинг 112-моддаси):

- 1) муддат норматив ҳисобланади;
- 2) муддат ўтиб кетган;
- 3) муддатни ўтказиб юборилиши суд томонидан узрли ҳисобланса (касаллиги, узоқ муддатли комондировкалар, шахснинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги ва бошқалар);
- 4) манфаатдор шахсга ўтказиб юборилган ҳаракатларни амалга ошириши зарур бўлса (суд мажлиси баённомаси, апелляция ёки кассацион шикоятга эътироз билдириш).

Бу ҳолатда, суд ўтказиб юборилган муддатни тиклашда, янги муддатни тайинламайди, балки ҳаракатни содир этилган деб топади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдида қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда, муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим (ЎЗР ФПКнинг 130-моддаси).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик процессуал муддатларни белгилашда аниқлашда кўпгина ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, қонунчилик томонидан муддатларни ҳисоблашда фақат саналардан фойдаланиши, лекин фуқаролик процессуал муддатларнинг умумий тушунчасидан маълумки, бу муайян вақт оралиғида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Шунинг учун

¹³ Гражданское процессуальное право. // Под ред. М.С. Шакарян. М., ТК Вебли, Проспект, 2004.

фуқаролик процессуал муддатларни белгилашда нафақат саналардан балки қонучиликда белгиланган ҳаракатларни амалга оширилиши билан ҳам аниқлаш мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек процессуал муддатларни тиклашда қонунчилик томонидан қайси ҳолларда амалга оширилиши назарда тутилмаган. Бунда қонун чиқарувчининг кўпроқ суднинг ихтиёрига тиклаш шартларини белгилашни ҳавола этган. Бизнинг фикримизча, бу ҳолатни шу соҳадаги бошқа давлатларнинг қонунчилигидаги мавжуд нормаларни ўрганиб чиқиб муайян ижобий ҳолатларни қабул қилиш лозим, чунки бу билан фуқаролик судларида муайян сарсонгарчиликларнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкин.